

8-1-2020

ECONOMIC ESSENCE OF LIABILITIES AND THEIR THEORETICAL ASPECTS IN ACCOUNTING

Farhod Ochilov
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Ochilov, Farhod (2020) "ECONOMIC ESSENCE OF LIABILITIES AND THEIR THEORETICAL ASPECTS IN ACCOUNTING," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 28.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/28>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДАГИ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ушбу мақолада мажбуриятларнинг иқтисодий моҳияти, аҳамияти, назарий ва услубий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, мажбуриятлар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил этиш юзасидан назарий таклифлар ва уларни амалиётга татбиқ этишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: мажбуриятлар, резервлар, шартли мажбуриятлар, шартли активлар, кредитлар бўйича қарзлар, облигациялар, молиявий ижара бўйича қарздорлик

ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ УЧЕТА ОБЯЗАТЕЛЬСТВ И ИХ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ В БУХГАЛТЕРСКОМ УЧЕТЕ

В данной статье рассматривается экономическая сущность, значения, и теоретико-методологические аспекты обязательств. Также были разработаны теоретические предложения по организации учета обязательств на основе международных стандартов финансовой отчетности и рекомендации по их применению на практике.

Ключевые слова: обязательства, резервы, условные обязательства, условные активы, задолженность по кредитам, облигации, задолженность по финансовой аренде

ECONOMIC ESSENCE OF LIABILITIES AND THEIR THEORETICAL ASPECTS IN ACCOUNTING

This article reveals the economic essence, definition, the theoretical and methodological aspects of liabilities. Also, theoretical proposals were developed for organizing the accounting of obligations on the basis of international financial reporting standards and recommendations for their application in practice.

Keywords: Liabilities, reserves, contingent liabilities, contingent assets, debt on credit, obligations, financial lease debt.

Кириш

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёнини жаҳон миқёсида такомиллаштириш, дунёнинг етуқ ривожланган мамлакатларидаги бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасига оид илғор тажрибаларини ҳамда Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари (МҲҲС)ни ўрганиш ва амалиётга татбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Шу билан бир қаторда, замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий қилиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларга қарамасдан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (кейинги ўринларда – МҲҲС) кенг жорий қилишга, хорижий инвесторларни зарурий ахборот муҳити билан таъминлашга ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини оширишга тўсқинлик

қилувчи қатор тизимли муаммолар сақланиб қолинмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг тараққиёти ва ривожда хўжалик юритувчи субъектлар мажбуриятлари миқдорини камайтириш муҳим аҳамият касб этади. Хўжалик юритувчи субъектлар мажбуриятлари уларнинг молиявий ҳолатига ва тўлов қобилиятига бевосита таъсир қилади. Шу сабабли уларнинг даражасини аниқлаш ва қайтариш муддатларига риоя қилиш масалалари муҳим саналади.

Давлат сектори активлари ва мажбуриятларини ҳисобга олиш ва бошқариш дунё бўйлаб эътиборни тобора кўпроқ жалб қилмоқда. Бизнинг турли хил давлат хизматларининг нархи ҳатто қўшниларимизга қараганда юқорироқ. Халқаро бухгалтерлар федерацияси 2004 йилда миллий, минтақавий, маҳаллий бошқарув органлари ва тегишли идоралар учун давлат сектори учун халқаро бухгалтерия стандартларини (IPSAS) чиқарган. Буюк Британияда ва бошқа ривожланган мамлакатларда бу ташкилот молиявий ҳисобот, баланс ва бошқа ҳисоботларни тайёрлайдилар. Дунё миқёсида давлат активларини кўпайтириш учун солиқ тушумларини кўпайтириш бўйича йиғимлар мавжуд, аммо бизнинг солиқ тушумимиз дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан биридир. Хусусийлаштириш ва давлатнинг камомадини ва хўжалик субъектларининг мажбуриятларини камайтириш учун зарар келтирадиган корхоналарни ислох қилиш долзарб муаммолардан биридир [13].

Бугунги кунда иқтисодий ночор ҳолатга тушган корхоналарнинг деярли барчасида мажбуриятлар миқдори сезиларли даражада юқори эканлиги кўзга ташланмоқда. Иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналарда мажбуриятлар ўз маблағларига нисбатан анча кўп бўлган ҳолатлар учраб турибди. Масалан, “Ўздонмахсулот” акциядорлик компаниясининг 2017 йил 1 январ ҳолатига жами маблағлар миқдори 6 триллион 104 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда, жами мажбуриятлари 6 триллион 15 млрд. сўмга тенг бўлган, бу эса компания мажбуриятлари жами маблағларнинг 98,5 фоизини ташкил этаётганини кўрсатмоқда¹. Бу каби ҳолат хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш, уларнинг ҳолати ва ҳаракатини тадқиқ қилиш лозимлигини англатади.

Юқоридаги сабабларга кўра корхоналарнинг ҳақиқий имкониятига ҳолисона баҳо бериш, уларнинг мажбуриятлари миқдорини тўғри белгилаш аҳамиятли ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитининг назарий-методологик муаммолари борасида хорижлик иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан, яратилаётган дарслик, монография ва ўқув қўлланмалар, шунингдек чоп этилаётган илмий мақола ва тезисларда мажбуриятлар ҳисоби ва аудитининг назарий муаммолари қисман ўрганилган. Масалан, В.В.Ковалевнинг қоидасига кўра, “юримдик маъносида молиявий ҳисоботда дебитор ва кредитор қарздорликлар қонуний фуқаролик муносабатларини англатувчи мажбуриятларга мисол бўла олади. Бу фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари натижасида бир томон (қарздор) бошқа томон

¹ “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси йиллик ҳисоботи маълумотлари.

(кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни (мулкни бериш, иш бажариш ва ҳоказолар) бажариши лозим, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилишга ҳақли” [1].

Й.Ф.Шер ўз асарларида ўзидан олдинги муаллифлардан фарқли ўларок, молиявий ҳисоботнинг ҳисоб-китобларига эмас, балки балансга ҳисоб асоси сифатида қарайди. Унинг фикрича, баланс асосида капитал тенгламаси ётади:

$$A - M = K$$

Бу мажбуриятнинг шартли характери унинг мулкдор томонидан корхонанинг мулкдор фойдаларини тақсимлашга оид ҳуқуқларини амалга ошириш ёки фирманинг фаолиятини тугатишга боғлиқлиги билан шаклланади [2].

Етакчи хорижий олимлардан бири А.М. Галаган, Чербони логисмографияси бухгалтерия бўлими ҳисоблари ва структурасини бир-бирига бўйсунувчи батафсил ва узлуксиз фарқини назарда тутган, айти пайтда ҳам фарқлаш, ҳам структура корхонанинг ташкилий қурилишига мос келиши даркор. Чербони фикрича, ҳисоб тизимида дастлаб инсонни ўрганиши лозим, шундагина ҳисобчи ёзадиган ташқи омиллар қалбимиз ички ҳаракатларининг оқибатлари бўлади холос.

Мажбурият атамасига ҳам бир қанча маҳаллий ва хорижий олимлар ўзларининг ёндашувларига асосланган таърифларини беришган. Биз, айнан ушбу олимларнинг фикрларидан қуйидагисини ўзимиз учун энг мақбул таърифлардан бири сифатида қабул қилдик.

Мажбурият - олдин бўлган хўжалик муомалалар ёки ҳолатлар натижасида келиб чиққан, тартибга солиниши хўжалик юритувчи субъектдан иқтисодий манфаатларнинг чиқиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган корхонанинг қарздорлигидир. Мавжуд бўлган ва бўлғуси (кўзланган) мажбуриятларни фарқлаш керак [3].

Бухгалтерия ҳисоби тизимида мажбуриятларни баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришга оид айрим муаммолар вужудга келмоқда. Бу эса мажбуриятларнинг бухгалтерия ҳисобини иқтисодиётнинг ҳозирги шароитига мос назарий-методологик негизларини чуқур илмий изланишлар асосида тадқиқ этиш, уларнинг натижаларини амалиётда қўллашни тақозо этади. Мамлакатимизнинг етакчи олими А.Туйчиевнинг фикрича, МҲХСга мувофиқ мажбурият бухгалтерия маъносида – энг аввало “актив” ва “капитал” сингари баланс элементидир. МҲХС томонидан бу уч тушунчанинг махсус қоидаларини кўриб чиқамиз. МҲХС “Принциплари”нинг 49-параграфига биноан активлар компания томонидан назорат қилинаётган, ўтган даврлардаги ҳолатлар натижасида келажакда иқтисодий фойда кутилаётган захиралардир; мажбурият – компаниянинг ўтган даврлардаги ҳолатлардан кейин пайдо бўлган иқтисодий фойданинг кетишини бошқарадиган қарздорлигидир; капитал – компаниянинг барча мажбуриятларини чиқариб ташлагандан кейин қолган активларининг қисмидир деб эътироф эилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги кунда мажбуриятлар ҳисобини ўрганишда энг аввало уларнинг хусусиятларини ўрганиш масадга мувофиқдир.

Мажбуриятлар учта асосий хусусиятга эга:

- мажбуриятни келтириб чиқарган воқеа ўринли бўлиши керак;
- мажбуриятлар бошқа субъектга фақат активларни ўтказиш ёки хизматлар кўрсатиш йўли билан қондирилиши мумкин;
- мажбуриятлар баҳс-мунозарага сабаб бўлмаслиги керак.

МҲХС бўлиб ўтган воқеа-ҳодисадан келиб чиқадиган мажбурият мавжуд бўлганда фойдаланишни бекор қилиш тўғрисидаги қоидаларни тан олишни талаб қилади ва шартномада кўрсатилган мол-мулкни ёки бошқа узоқ муддатли активни тиклаш келгуси харажатлар ҳисобидан амалга оширилиши эҳтимоли бор. МҲХС мажбуриятни қайд этишни талаб қилади, ҳатто режалаштирилган ёки шунга ўхшаш фаолиятни амалга оширишнинг белгиланган шакли билан тузилган конструктив мажбурият мавжуд бўлса ҳам. Бундан ташқари, МҲХС бўйича мажбуриятни ҳисоб-китоб қилиш бир неча жиҳатдан фарқ қилади, мажбурият учун хос бўлган жорий дисконт ставкасидан фойдаланиш ва даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда фоизлар харажати сифатида чегирмага кўшилиши шулар жумласидандир [14].

Мажбурият берилган таърифга мувофиқ қабул қилинганда, у дархол тан олиниши ва бухгалтерия ёзувларига киритилиши керак.

Молиявий мажбуриятларни аниқлаш ва уларнинг алоҳида таркибини молиявий ҳисоботда ифодалаш учун улар қуйидаги камида учта мезон бўйича таснифланади:

1. Ҳуқуқий асос бўйича, яъни кредиторнинг ўзига тегишли бўлган миқдорни қайтариб олиш учун қонуний ҳуқуқларининг мавжудлиги ёки йўқлиги;

2. Шартлилик даражасига қараб, яъни келажакдаги ноаниқ ҳодисалар юз берганда мажбуриятларнинг келиб чиқиши, катталиги ва муддатда бўлишига боғлиқлиги;

3. Шакл ёки тури бўйича.

Биринчи мезон учун қуйидаги ҳолатларни таъкидлаш лозим:

а) Юридик (ҳуқуқий) мажбуриятлар, шартнома тузишдан, қонунлардан ҳамда турли даволардан келиб чиқадиган;

б) Бевосита мажбуриятлар, белгиланган бизнес амалиёти ва бошқа сабабларга кўра ўз ихтиёри билан олинган.

с) Юридик ва мажбурий мажбуриятлар, бизнес битими мажбурий, келишилган ва бир томонлама мажбуриятларни бирлаштиришидан келиб чиқадиган.

37-сон БҲХС “Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” стандарти резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларни ҳисобга олишда қўлланилади, бунга бошқа стандартларнинг аниқ талаблари қўлланиладиган резервларни (баҳоланадиган мажбуриятлар) ҳисобга олиш кирмайди. 37-сон БҲХС шундай резервларга нисбатан қўлланиладигани, қайсики улар мажбуриятларни тан олиш мезонларини қаноатлантиради, лекин,

молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда активлар қийматининг коррективлари бўлган резервларга (асосий воситалар амортизацияси, гумонли қарзлар бўйича резерв) нисбатан эмас. Стандарт реструктуризация бўйича резервларга ҳам қўлланилади [4].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, резервлар бу- аниқ бўлмаган суммадаги ёки тўланиш муддати аниқ бўлмаган мажбуриятлар десак муболаға бўлмайди.

Резервлар бошқа мажбуриятлардан фарқ қилади. Резервларнинг савдо кредиторлик қарзлари ва ҳисобланган мажбуриятлардан фарқ қилувчи асосий белгиси ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун талаб этиладиган муддат ва келгуси харажатлар (тўловлар)га нисбатан ноаниқликларнинг мавжудлиги бўлиб ҳисобланади.

37-сон БҲХС резерв ва шартли мажбуриятлар ўртасидаги фарқни белгилаб беради:

(а) резерв, қайсики мажбурият сифатида тан олинади, чунки у мавжуд мажбуриятларни ва эҳтимол мажбуриятларнинг узилиши ёки тартибга солиниши иқтисодий нафни мужассамлантирувчи ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келади;

(б) шартли мажбуриятлар эса мажбурият сифатида тан олинмайди, чунки улар тавсифлайди [5] ;

Бўлиши мумкин бўлган мажбурият корхонада амал қилувчи мажбуриятнинг мавжудлиги корхонадан иқтисодий нафни мужассамлантирувчи ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келиши мумкин, лекин у ҳали тасдиқланиши ва исботланиши талаб этилади ҳамда амалдаги мажбуриятлар ушбу стандарт билан тартибга солинадиган тан олиш мезонларини қаноатлантирмайди.

*Резервлар қуйидаги барча шарт-шароитлар
бажарилган тақдирда тан олинади:*

*Компанияда ўтган ҳодисалар натижасида юзага келадиган жорий
(амалдаги) мажбуриятлари (юридик ёки юзага келган амалиётдан
келиб чиқадиган мажбуриятлар) мавжудлиги;*

*мажбуриятларнинг тўланиши иқтисодий нафни
мужассамлантирувчи ресурсларнинг чиқиб кетишини талаб
этади;*

мажбурият суммаси ишончли баҳоланиши мумкин.

1-расм. Халқаро стандартларда резервларнинг тан олиш меъзонлари.²

Баъзан, амалдаги мажбуриятларнинг борлиги ёки йўқлиги аниқ бўлмай қолади. Бундай ҳолларда ўтган ҳодисалар амалдаги мажбуриятларни яратади деб ҳисоблаш мумкин, агарда барча мавжуд гувоҳномалар инobatга олинган ҳолда ҳисобот даврининг охирида амалдаги мажбуриятларнинг мавжудлиги бундай мажбуриятларнинг бўлмаслиги эҳтимолидан баланд бўлса.

Ушбу гувоҳномалар асосида:

(а) Агар ҳисобот даврининг охирида амалдаги мажбуриятнинг мавжудлиги эҳтимоли унинг юз бермаслиги эҳтимолидан катта бўлса, корхона резерв сифатида тан олади (тан олиш мезонларига риоя қилган ҳолда); ва

(б) агар ҳисобот даврининг охирида амалдаги мажбуриятнинг бўлмаслиги эҳтимоли унинг мавжудлиги эҳтимолидан катта бўлса шартли мажбурият сифатида тан олади, агарда иқтисодий нафни мужассамлантирган ресурсларнинг чиқиб кетиши кам эҳтимолли бўлиб ҳисобланмаса.

Амалдаги мажбуриятларни юзага келтирувчи ўтган ҳодисалар мажбурият туғдирувчи ҳодисалар деб ҳисобланиши учун компания ушбу ҳодиса натижасида яратилган мажбуриятларни тартибга солишнинг реал альтернативасига эга бўлмаслиги керак. Бу мумкин, қачонки:

(а) Мажбуриятларни тартибга солиш қонунчиликка мувофиқ мажбурий тартибда амалга оширилиши мумкин;

(б) юзага келган амалиётдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бошқа томонларда корхона бу мажбуриятини бажариши тўғрисида асосланган кутиш юз беради.

Мажбуриятларни ҳисобга олиш муаммолари нафақат ушбу атаманинг таърифининг йўқлиги билан боғлиқ. Баъзи ҳолатларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибга солинмаган. Амалда, бу ташкилотларни ушбу кўрсаткични батафсил баён қилмасликка ва барча кредиторлик қарзларини умуман акс эттирмасликка ундайди. Шу билан бирга, фойдаланувчиларнинг турли хил ташкилотлар мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлари жуда фойдали бўлиши мумкин [12].

Масалан, “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компаниясининг 2017 йил 1 январ ҳолатидаги бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тузилган жадвалга эътибор қаратсак, унда жами мажбурият, шунингдек жорий ва узоқ муддатли мажбуриятларнинг барчаси бўйича йил бошига нисбатан кўпайиш кузатилган Фақатгина жорий кредиторлик қарздорликлари бундан мустасно. (1-жадвал).

“Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компаниясининг узоқ муддатли мажбуриятлари 2019 йил 1 январ ҳолатида 2015 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 3026620605 минг сўмга, ёки 155,6% га ошганлигини кўришимиз мумкин. Узоқ муддатли мажбуриятни қоплаш даврининг муддати узоқлигини инobatга олиб,

² Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

ушбу акциядорлик компанияси учун мажбуриятлар шунча кадрсизланади ва унинг иқтисодий баҳоси шунча камаяди.

1-жадвал

“Ўздонмахсулот” акциядорлик компаниясининг мажбуриятлари динамикаси³

№	Кўрсаткичлар	2015 йил 1 январ ҳолатига	2016 йил 1 январ ҳолатига	2017 йил 1 январ ҳолатига	2018 йил 1 январ ҳолатига	2019 йил 1 январ ҳолатига	Ўзгариши, 2019 йилда 2015 йилга нисбатан	
							Суммада, минг сўм	Фоизда, %
1.	Узоқ муддатли мажбуриятлар, минг сўм	33133920	13989493	15015404	35035687	33214781	80861	251,3
2.	Жорий мажбуриятлар, минг сўм	91777642	1675141300	2241889041	2705799458	3118317386	3026539744	166,6
	шу жумладан жорий кредиторлик қарзлари	31485576	1064246	727423	715851	112841600	81356024	99
3.	Жами мажбуриятлар, минг сўм	124911562	1689130793	2256904445	2740835145	3151532167	3026620605	155,6

Аммо жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, мажбуриятларнинг асосий қисмини жорий мажбуриятлар ташкил этади. Бу эса акциядорлик компаниясининг жорий мажбуриятлар миқдорини ўз вақтида тўлашини тақозо қилади.

Резерв сифатида фақат ўтган ҳодисалар натижасида юзага келган мажбуриятлар тан олинади, қайсики корхонанинг келгусидаги харажатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилади. Бундай мажбуриятларга мисол қилиб атроф-муҳитга ноқонуний равишда зарар етказиш оқибатларини тугатиш билан боғлиқ харажатлар ёки жарималар. Униси ёки бунисини тартибга солиш корхонанинг келгусидаги хатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда иқтисодий нафни мужассамлантирган ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келади. Шунга ўхшаш ҳолатда мисол тариқасида нефть қазиб чиқарувчи ускунани ёки атом электр станциясини эксплуатациядан чиқаришда етказилган зарарни қоплаш бўйича резервни тан олинишини келтириш мумкин.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида «шартли» атамаси тан олиниши мумкин бўлмаган мажбуриятларни аниқлаш учун ишлатилади, чунки уларнинг мавжудлиги фақат бир ёки бир нечта келажакдаги ҳодисалар юз берганда ёки рўй бермаганлиги билан тасдиқланади ва бу ҳолатлар келиб чиқиши ноаниқ ва корхона тўлиқ назорат қилинмайди. Бундан ташқари, "шартли мажбуриятлар" атамаси шундай тавсифларга жавоб берадиган жавобгарликлар учун ишлатилади, лекин уларни тан олиш мезонларига мос келмайди. Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, Республикамиздаги амал қилаётган меъёрий ҳужжатларда мажбуриятларнинг турлари билан халқаро

³ “Ўздонмахсулот” АК бухгалтерия баланси маълумотлари асосида тайёрланди.

стандартларда ёки амалиётда қўлланиладиган мажбуриятларнинг турларини қуйидаги жадвалда акс эттирдик.

2-жадвал

Миллий стандартларда ҳамда халқаро стандартларда мажбуриятлар турлари⁴

№	Ўзбекистон Республикасида мажбуриятлар турлари	Халқаро стандартларда мажбуриятлар турлари
1.	Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	Кредитлар бўйича қарзлар
2.	Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар	Қарз ва кредитлаш шартномалари бўйича қарзлар
3.	Муддати узайтирилган (кечиктирилган) мажбуриятлар	Берилган ва акцептланган векселлар бўйича қарзлар
4.	Олинган бўнақлар	Жойлаштирилган облигациялар, берилган кафолатлар ва бошқа шартли мажбуриятлар бўйича қарзлар
5.	Бюджет, суғурта ва мақсадли давлат фондларига тўловлар	Молиявий ижара бўйича қарздорлик
6.	Таъсисчиларга бўлган қарзлар	Товар, иш ва хизматлар бўйича кафолат мажбуриятлари
7.	Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар	Солиқ мажбуриятлари
8.	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар	-
9.	Турли хил кредиторларга қарзлар	-

Бухгалтерия ҳисобининг бугунги кун амаилётидан келиб чиқиб, харидорларнинг ичидан бир қисми ўз харидидан норози бўлиши ва ўз пулларини қайтариб олишни хоҳловчилар бўлиб чиқади. Бунга мувофиқ равишда қайтаришларнинг энг яхши баҳоланган суммаси миқдоридан резерв яратилиши шарт.

Резервларни тан олишда мажбуриятларнинг тўланишидан қочиб бўлмаслик далилига эътибор қаратиш керак. Айнан ушбу далилнинг мавжуд эмаслиги қуйидаги ҳолларда келгусидаги харажатлар билан боғлиқ резерв яратилишига имкон бермайди:

- ушбу харажатларни амалга ошириш учун оддий хоҳишнинг мавжудлиги;
- келгусидаги операцион харажатларнинг кутилиши;
- активларнинг қадрсизланиши кутилиши [6].

Резерв сифатида тан олинган сумма ҳисобот санасида жорий мажбуриятларнинг тўланиши учун зарур бўлган харажатларни энг яхши баҳолашни ифодалаш лозим.

Харажатларни энг яхши (оптимал) баҳолаш деганда, бу харажатлар суммаси қуйидагиларни ортиқ ҳам эмас, кам эмас миқдорда таъминлаши тушунилади:

- Мажбуриятларнинг зудлик билан узилиши;
- мажбуриятларнинг учинчи шахсга ўтказилиши.

⁴ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Бир қанча бир-бирига ўхшаш мажбуриятлар мавжуд бўлган ҳолатларда (масалан, сотилган товарларнинг сифати кафолати) бу мажбуриятларни бажариш учун ресурслар чиқими оқимига бўлган талабнинг юзага келиши эҳтимоли барча мажбуриятлар классини бир тўпламда ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бундай ҳолларда резервларни энг яхши баҳолашга эришиши учун статистик метод, яъни бунда резерв суммаси барча бўлиши мумкин бўлган натижалар уларнинг тааллуқли эҳтимоли бўйича ўлчаш йўли билан аниқланади. Бундай метод кутилаётган қиймат методи деб аталади [7].

Мажбурият тан олиш мезонларига мувофиқ бўлишлари учун фақат жорий мажбуриятларнинг юзага келиши эмас, балки ушбу мажбуриятлар тўланиши учун иқтисодий нафни мужассамлантирган ресурсларнинг эҳтимол чиқиб кетиши ҳам амал қилиши керак.

Хулоса

Шуни таъкидлаш жоизки, бухгалтерия ҳисоби тизимида мажбуриятларни асосан икки турга бўлиб таснифлаш амалга оширилади: жорий ва узоқ муддатли мажбуриятлар. Бу каби таснифлаш уларнинг фақат муддатини ифодалайди, аммо мажбуриятларнинг иқтисодий моҳиятини тўла-тўқис очиб бермайди. Бу ҳолат ўз навбатида бухгалтерия ҳисобида мажбуриятларни тўла-тўқис тушуниш ва уни ҳисобда акс эттиришга имкон бермайди. Шунингдек, баъзи ҳолларда муддати ўтган мажбуриятларни қай тарзда акс эттириш билан боғлиқ муаммолар ҳам учраб туради. Бу каби муаммоларнинг ечими, албатта, уларни иқтисодий моҳияти, келиб чиқиш сабабларига кўра таснифлаш лозимлигини билдиради.

Бошқача қилиб айтганда, назарий жиҳатдан, мажбуриятлар ҳақиқий ёки шартли бўлиши мумкин, чунки "мажбуриятлар тоифаси" нинг моҳияти унинг даражасига (ўлчовига) эмас, балки унинг функцияси, маълум бир амални бажариш ёки ундан бош тортиш билан белгиланади.

Юқорида келтирилган фикрлардан маълумки, хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни юқори даражага олиб чиқиш бухгалтерия ҳисобида мажбурият тушунчасининг юридик талқини билан қўлланадиган мажбуриятлар таснифланиши усулларига мос келишини асослаши мумкин. Айтиш пайтда мажбуриятнинг пайдо бўлиш манбаси билан тавсифланадиган ҳуқуқий мазмун мажбуриятларни бошқариш соҳасида қабул қилиниши муҳим бўлган жиҳат деб қаралиши мумкин.

Иқтисодиётнинг ҳозирги шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиб бериш шarti билан қарзга бермасдан, олдиндан тўлов асосида сотса ёки сотган маҳсулотлари учун тўловларни ўз вақтида ундириб олса, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ҳам, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақлари, рағбатлантирувчи пулларини ҳам ўз вақтида ижро этиш имкониятини беради, бу эса барқарор иқтисодиёт тизимини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ковалев В.В. Финансовый анализ: методы и процедуры. –М.: «Финансы и статистика», 2001. 535-536 с.
2. Шер И. Бухгалтерия и баланс: Пер. с нем. С.И.Цедербаума. –М.: «Экономическая жизнь», 1925.
3. Галаган А.М. Общественное коммунальное счетоведение. –М. Издательство «Вся Россия», 1923. 39 с.
4. Раздаточный материал по курсу повышения квалификации: «Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО). Ўзбекистон аудиторлар палатаси. Ташкент-2015. 335-бет.
5. Ўзбекистан Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами.–Ташкент: “NORMA”, 2011.–360-бет.
6. Аверчев И.В. МСФО. 1000 примеров применения-М.: Рид Групп, 2011.-992 с.
7. Ташназаров С. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Маъруза матни. СамИСИ, 2018. 430 б.
8. Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., Irwin, Printed in the USA, 1995. 926 p.
9. Международные стандарты финансовой отчетности. <http://www.ifrs.org.ua/mezhdunarodny-e-standarty-finansovoj-otchyotnosti/>.
10. International Financial Reporting Standards. www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/ 2018 й.
11. www.lex.uz - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
12. Accounting in Publishing and Printing. Учет обязательств организаций: проблемы и пути решения. Т.Ю.Дружиловская. «Economics and business» 2016. <https://www.econjobrumors.com/topic/journal-of-economics-and-business>
13. Public Sector Assets and Liabilities: Accounting and Governance. Journal of Business Administration, 40, 1, 2019. Dhiman Chowdhury, Professor of Accounting. ijba@sciedupress.com
14. Environmental Accounting and International Financial Reporting Standards (IFRS). International Journal of Business and Management. Vol.5, No.10; October 2010. SA Mohammad Firoz, Prof. A. Aziz Ansari. www.ccsenet.org/ijbm.